

6

Эй гулшани рухсоринг ўлуб дахрга оро,
Рухсор уза сочинг гул уза анбари соро.

Гунг этти Масихонию тор этти куёшни,
Ул нутки дилором ила ул хусни дилоро.

Гесуву юзунг сунбулию барги гулидин,
Девона мену шифта лайлан ва нахоро.

Ул ердаки рахшинг килибон жилваи парвоз,
Учмокка фалак кушларига анда не ёро.

Захм элдин ўлуб зохиру сендин бори мархам,
Эл унф аён айлабу сен барча мадоро.

Лаълингга етиб хора агарчи ушатибдур,
Чун анда етиб лаъл бўлуб кадрда хоро.

Билди чу хадисингни Сахих эмди Навоий,
Маскан чу тилар бўлса не Батхо, не Бухоро.

7

Эй, санга муктадолик ики кавн аро,
Анта хайрул башар, анта хайрул варо.

Кимки фавкус сурайё эди манзили,
Тобеъинг бўлмагач кирди тахтас-саро.

Зотинга фахр этиб етмиш икки фарик,
Оразинг шамъидин ёруб икки саро.

Нафсинга рахмати хак била иктирон,
Муъжиз отингга сихру фусун ифтиро.

Хашрга тегру меърожинг афсонаси,
Хайли хайл малойик аро можаро.

Хам рафъатингга арши баринда макон,
Хам Бурокингга хулди баринда чаро.

Ким касофат била кўйди юз наътингга,

Гар куёш эрдиким, бўлди юзи каро.

Ё набийаллох, ахволима кил назар,
Журму исёну ожизлигим мо таро.

То анинг бирла бўлгай, Навоий, сенинг
Наъту хамдинг баёнига дoston саро.

40

Хак ўзин килди мухиб, сен ойни махбуб, эй хабиб,
Ул мухибка сен кеби махбуб эрур хўб, эй хабиб.

Рогиб эрдинг ул мухиб васлига, чун шоми уруж
Топтинг, улким хотирингга эрди маргуб, эй хабиб.

Бир саримў олам ахли бўгзидин парвойи йўк,
Айлаган ўзнн сенинг хуббунгга мансуб, эй хабиб.

Бўлсалар ахли мухаббат хар кишининг толиби,
Бизга сендурсен ики оламда матлуб, эй хабиб.

Хар киши ахбобинг ичраким ўзин айлар хисоб,
Бермайин жон ул мухибка кайда махсуб, эй хабиб.

Чун шафоат дафтари сендин тутармен кўз, не гам,
Хар кўлумга берсалар махшарда мактуб, эй хабиб.

Чун мухаббат ахлига тоат хунардур, рахм кил
Ким, Навоий келди ул хайл ичра маъюб, эй хабиб.

92

Эй жахон мулки хирожи санга бир гавхари тож,
Мулклар шохи кўюб даргахинга тожу хирож.

Тузубон адл, кўнгул мулкани обод эттинг,
Мулк маъмур бўлур, адлга шах берса ривож.

Тенгрига гавхари зотинг эди кулли максуд,
Сунъ дарёсин азал субхи килурдин маввож.

Эхтиёж айлабон изхор куёш раъйингга,
Халк андоки куёш нурига бўлгай мухтож.

Пайкаринг туфрогига хайли малойик хомил,

Тахти иззу шарафингга тўкуз афлок даввож.

Чун чикиб тахти хилофат уза хакдин, бўлубон
Хукми гарданкашига мулкдин амри ихрож.

Буйла мардуд хадисин нега килдинг макбул
Ким, таназзулга бадал бўлди санга ул меърож.

Не тагофул эдиким, уйла адув макр била
Хоксор этти сени, мулкунга солиб торож.

Рўзгоринг корариб зулмати исён ичра,
Зор эдинг, афв илки тутмаса оллингга сирож.

Эътироз этма, Навоию фузул ўлмаки, хак
Халк этиб севди, яна дард бериб килди илож.

Эл не билсун не эди хакка бу ишда хикмат,
Мехр нурин не билур шаппараки тийра мизож.

100

Чикти жон, кошима жонон киргач,
Ким халок ўлгон экин жон киргач?

Келурингга ясадим кўнглум уйин,
Ясалур кулба, чу мехмон киргач.

Ўзни асрармену кўнглум чекар ох,
Ногах ул сарви хиромон киргач.

Охдин шуъла етишкандек эрур,
Ўкидин кўнглума пайкон киргач.

Юз жунун шуъбаси айлар пайдо,
Ул парий кўнглума пинхон киргач.

Дахр уйи ичра икомат тилама,
Чикмамок анда не имкон, киргач.

Борма кўйига, Навоийки, кочар
Ёр, сен телбаи урён киргач.

114

Кани сенинг кеби махбуби окибат махмуд

Ки, зилли отифатинг бўлсун эл уза мамдуд.

Жамол аро мутажалли юзунгда партави зот,
Камол аро муталоло ўзунгда нуру жуд.

Вужудунг икки жахон хилкатидин ўлди мурод,
Начукки зотинг ўлуб икки кавидин максуд.

Не жуд эрур, не вужуд элга зотинг оллинда,
Санга чу келди мусаллам вужуд бирлан жуд.

Нубувват авжида кўп толеъ ўлди кавкаби саъд,
Бири сен ойдек эмас эрди ахтари масъуд.

Чу сен мушохада шоми шухуд козгондек,
Киши не билдики, шохид ким эрди — ким машхуд.

Навоий, ўлса гунах дуди бирла нома сиёх,
Гами йўк, ўттин эрур чун шафоатинг мавъуд.

393

Борму ул икки ўрулгон гесуйи анбар шамим,
Ё этак солмиш Мухаммадда ёзилган икки «мим».

Хамд важхида бири сарчашмаи оби хаёт,
Хадди лутф ичра бири сархалкаи ахли наъим.

Ул биридин рухпарвар топти анфоси Масих,
Бу бирисидин асосин аждахо кўрди калим.

Жахл аро ўлган кўнгулларга дами Исо бўлуб,
Чун эсиб танлар кубурига риёзингдин насим.

Кўрмаган бўлсанг ато, маъни анга бу бўлдиким,
Сен кеби чикмай нубувват бахридин дурри ятим.

Турфа буким, бул башар келди атоларга ато,
Лек Булкосим деди фарзанд ани бевахму бийм.

Кидмат ичра барчадин бўлдунг мукаддамрок, валек
Улки сендиндур мукаддамрок, эрур хайи кадим.

Ё набииллох саломатдин бўлуб мен мунхариф,
Бир иноят бирла ахволимни килгил мустаким.

Тонг эмастур, гар наво бўстонида топкай маком,
Чун Навоий ўзни наътинг кўйида килди муким.

438

Эй, келиб минбаринг уч поя била сидрагасен,
Сен чу анда тутуб ором, бўлуб сидранишин.

Ул сафар ичраки сен сидра сари айлаб азм,
Маркабинг рухи равон, пайкинг ўлуб рухул-амин.

Сидрани минбар этиб, нукта десанг эрди, русул
Жамъи бўлган эди эшиткали оёти мубин.

Уйлаким, сидра кеби минбар уза гохи хадис,
Йигилур хар сари асхоби рисолат ойин.

Даргахинг аршдурур, анда малойик, не ажаб,
Зикру тасбих дебон суртса хар сари жабин.

Сен чу арш узра чикиб, чарх нисорингга ясаб
Бу тўкуз хон ичида анжум ила дурри самин.

Журму исён кўпидин бўлди Навоий бехуд,
Бир назар айла анинг сарики, бор асру хазин.